

## Инвестицияларни Фаол Жалб Қилиш – Мамлакат Иқтисодиёти Ривожланишининг Муҳим Омили Сифатида

Ёкубов Латифжон Баходиржон ўғли

Жиззах политехника институти, “Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси ассистенти, Жиззах вилояти ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими бошлиғи

**Аннотация:** Ушбу мақолада инвестицияларни фаол жалб қилиш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш масалаларининг амалдаги ҳолати таҳлиллари, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, Президентимиз томонидан инвестиция, экспорт ва халқаро ҳамкорлик соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар бўйича ўтказилган селектор йиғилишида мазкур соҳа бўйича берган топшириқларининг таҳлиллари ва бу масала бугунги кунда нақадар долзарб эканлиги аниқ таҳлилларга асосан ёритиб берилди.

**Калит сўзлар:** инвентсия, инвестицияларни жалб қилиш, тўғридан-тўғри инвестиция, экспорт, Imad A. Moosa, Aswath Damodaran.

**Кириш.** Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини янада яхшиланиши ва турмуш фаровонлигини ошириш негизида ҳудудларга инвестицияларни кенг жалб қилиш муҳим ўрин тутади.

Шу боисдан Давлатимиз раҳбари 2023 йил 18 январ куни “Экспорт, инвестиция ва маҳаллий саноатда 2024 йилда турган вазифалар бўйича селектор йиғилиши”да: “Ялпи ички маҳсулотни ошириш бўйича катта марра олинганини, лекин бунга фақат ички инвестиция ва ички бозор билан эришиб бўлмаслигини қайд этди. Хусусан, “Ягона тўғри йўлимиз – хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва экспортни кўпайтириш”<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Бундан кўриниб турибдики, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш иқтисодий ўсиш ва ривожланиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу боисдан, Давлатимиз раҳбари томонидан инвестиция, саноат ва экспортга бевосита масъул бўлган вазирлик, идора, уюшма, чет элдаги ваколатхоналар ҳамда ҳудуд раҳбарларининг инвестиция йўналишига масъул ўринбосарларининг ушбу йўналишда олиб бораётган ишлари етардли дараджа эмаслигини алоҳида айтиб ўтилди.

Ўзаро боғланган ва динамик глобал иқтисодиётда инвестицияларни кенг жалб қилиш иқтисодий фаровонликни ошириши билан биргаликда, давлатлар учун стратегик йўналишларга айланиб бормоқда.

Барқарор меъёрий-ҳуқуқий базадан инновацион рағбатлантиришгача, малакали ишчи кучларини тарбиялашдан технологик ютуқларни камраб олишгача, инвестицияларни киритиш яхлит ёндашувни талаб қилади. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг нозик томонларини очиб, мустаҳкам, динамик ва глобал миқёсда рақобатбардош инвестиция киритиш ландшафтини яратиш алоҳида муҳим аҳамият касб этади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2023 йил 18 январдаги “Экспорт, инвестиция ва маҳаллий саноатда 2024 йилда турган вазифалар бўйича селектор йиғилиши”даги нутқидан.

XXI аср бозорининг бугунги кундаги жадал ўсиб бориш тенденцияларини кундан-кун кузатиб борар эканмиз, инвестицияларни жалб қилиш масаласи бу борада кун тартибидаги муҳим ролда эканлиги намоён бўлиб қолаверади. Бу эса, бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиши учун муҳитни яратишга бўлган қатъий мажбуриятни юзага олиб чиқишга асос бўлади. Ушбу мақола инвестицияларни кенг жалб қилишнинг механизмларини ўрганиб, мамлакатнинг турли минтақалардан инвестицияларни жалб қилишнинг самараларини ташкил этувчи асосий устунларни ўрганади.

**Адабиётлар таҳлили.** Инвестицияларни жалб қилиш ва мазкур йўналишда самарадорликка эришиш механизмлари бўйича бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб борган. Хусусан, Австралиялик олим А.М.Имод “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар: назария, далил ва амалиёт” рисолисини ёзган. Ушбу китобда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар назариялари, эмпирик далиллари ва амалий оқибатлари ҳақида тўлиқ маълумот берилган. У турли жиҳатларни, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг мотивлари, унинг қабул қилувчи мамлакатларга таъсири ва сиёсат масалаларини қамраб олади<sup>2</sup>.

Америкалик олим, иқтисод йўналиши профессори, М.Клеин ҳамда Жанубий Корея бизнес коллежи халқаро бизнес кафедраси ассистенти Г.Квон томонидан “Инфратузилмага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш: нега бунчалик қийин?” масаласида илмий иш олиб борилади. Бунда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ муаммолар ва имкониятлар ўрганилган.<sup>3</sup>

Клемсон университети, Молиявий инновациялар ва барқарорлик маркази директори, Жералд П. Дваер ҳамда Мичиган университети юридик факультети ҳуқуқ профессори С.Викрамадитя Кҳанна томонидан “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар: кенг қамровли қўлланма”сида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўлиқ ўрганилган ҳолда, хорижий инвестициялар ортидаги иқтисодий назариялар, унинг иқтисодий ўсишга таъсири каби масалалар асосли ёритиб берилган.<sup>4</sup>

Бундан ташқари, Жозеф Э. Стиглиц, Анил К. Гупта, Вижай Говиндаражан, Хаиян Ванг каби олимлар ҳам бир қатор илмий ишлар қилган бўлиб асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, бизнес, давлатлар глобал устунликка эришиш учун қўллаши мумкин бўлган стратегияларни ўрганган.<sup>5</sup> Бунда, асосан инвестициялар, глобал рақобатбардошлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада абстракт-мантиқий таҳлил, анализ ва синтез, иқтисодий таҳлил, индукция ва дедукция, кузатиш, тизимли ёндашув, сабаб ва оқибат, замон ва макон, қиёслаш, корреляция ва регрессия, синергетик таҳлил, каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқот натижалари.** Жаҳон иқтисодиётининг динамик манзарасида инвестицияларни жалб қилиш иқтисодий ривожланишни рағбатлантиришда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мамлакатлар ва минтақалар ички ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, ўсишни рағбатлантириш, иш ўринлари яратиш ва инфратузилмани яхшилаш учун турли механизмлардан фойдаланмоқда. Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилишнинг асосий омилларидан бири барқарор иқтисодий сиёсатнинг мавжудлигидир. Инвесторлар ҳукумат қоидалари, солиққа тортиш ва пул-кредит сиёсатида башоратлилиқ ва изчилликка интилади. Шаффоф ва инвесторлар учун қулай тартибга солиш муҳитини яратадиган ва қўллаб-қувватловчи давлатлар кўпинча потенциал инвесторларнинг назарига тушиб қолади. Бундан ташқари кучли инфратузилма инвестициялар учун магнитдир. Инвесторлар ривожланган транспорт тармоқлари, самарали логистика ва замонавий коммунал хизматларга эга ҳудудларга мойил. Инфратузилма лойиҳаларига сармоя киритадиган давлатлар нафақат

<sup>2</sup> <https://www.rmit.edu.au/>

<sup>3</sup> <https://www.tufts.edu/>

<sup>4</sup> <https://www.clemson.edu/index.html>

<sup>5</sup> <https://www.columbia.edu/>

тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилади, балки бизнес операциялари учун қулай экотизим яратади. Билимли ва малакали ишчи кучи бугунги кунда иқтисодиётда қимматли бойликдир. Таълим ва ишчи кучини ривожлантиришга устувор аҳамият берилган тақдирда, етук ва сифатли кадрлар етишиб чиқади ва натижада мамлакатга инвестицияларни жалб қилиш эҳтимоли юқори бўлади.

Бундан ташқари, қонун устуворлиги, яхши бошқарув ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга содиқлигини намоён этиш этиадиган мамлакатларнинг барқарор инвестицион оқимларни жалб қилиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Ички ва халқаро бозорларга кириш сармоядорлар учун асосий масала. Қулай савдо сиёсати, очиқ бозорлар, минтақавий ва глобал савдо шартномаларида иштирок этган давлатлар сармояларни жалб қилувчи муҳит яратади. Одатда инвесторлар кўпинча йирик ва ўсиб бораётган истеъмол бозорларига кириш имкониятларини қидирадилар.

Келинг, иқтисодий ривожланиш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича баъзи масалаларга чуқурроқ ёндашишга ҳаракат қиламиз.

Махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ҳам инвестицияларни жалб этишнинг кучли механизми ҳисобланади. Ушбу белгиланган ҳудудлар бизнес учун қулай шарт-шароитларни, жумладан, солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган тартибга солиш ва инфратузилмани қўллаб-қувватлашни тақлиф қилади. ЭИЗлар хорижий ва маҳаллий инвесторларни назорат остида ва рағбатлантирилган муҳитда иқтисодий ўсишни рағбатлантириб, ўз фаолиятини йўлга қўйишга ундайди. Ёки, Давлат-хусусий шериклик (ДХШ) орқали давлат ва хусусий секторнинг ҳамкорлиги йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш ва бошқаришнинг самарали усули ҳисобланади. Хатар ва масъулиятни бўлишиш орқали транспорт, энергетика ва соғлиқни сақлаш каби лойиҳалар учун хусусий сармояларни жалб қилиш мумкин.

Бу нафақат инфратузилмани яхшилаш, айрим соҳаларни ривожлантириш, балки иш ўринлари яратиш орқали иқтисодий ривожланишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун қулай сиёсатни қабул қиладиган мамлакатлар глобал капитални янада самарали жалб қилади. Бу бюрократик тўсиқларни камайтириш, тасдиқлаш жараёнларини соддалаштириш ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Ишбилармонлик учун қулай муҳит яратиш сармоядорларга ижобий сигнал беради, бу эса иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга олиб келади.

Бундан ташқари, инвесторлар малакали ва мослашувчан ишчи кучига эга минтақаларга кўпроқ интилади. Таълим ва истеъдодларни кўпайтириб боришга қаратилган сиёсатни амалга ошириш барқарор инсон капиталини таъминлаши мумкин. Бу нафақат инвестицияларни жалб қилади, балки узоқ муддатли иқтисодий ривожланишга ҳам ҳисса қўшади. Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати, имкониятлари ва меъёрий-ҳуқуқий базалари ҳақида аниқ ва самарали мулоқот қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бошқарув ва қарорлар қабул қилиш жараёнларидаги шаффофлик инвесторлар билан ишончли мустаҳкамлайди. Конференциялар, форумлар ва онлайн платформалар орқали мунтазам иштирок этиш турли сармояларни жалб қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, инвестицион кафолатлар, сиёсий хавфларни суғурталаш ва низоларни ҳал қилиш асослари каби хавфларни камайтириш механизмларини таъминлаш инвесторларда ишончли уйғотиши мумкин. Инвесторларни энг кўп қийнайдиган муаммоларга асосий эътибор қаратиш орқали бошқа жойларга киритлаётган инвeстицияларни тегишли ҳуудга жалб қилиши мумкин.

Охирги йилларда Давлатимиз раҳбари Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилona сиёсат натижаси ўларoқ, мамлакатимизнинг инвестицион жозибadorлиғини ошириш, инвесторларга қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш борасида бир қатор амалий ишлар қилинди. Натижада, ҳудудларда йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширили, янги иш ўринлари яратилди, аҳолининг яшаш шароитлари яхшиланди, энг

асосийси, Янги Ўзбекистоннинг янги инвестиция муҳити пайдо бўлди. Бугунги кунда ҳам хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга тобора қизиқишлари ортиб бормоқда.

Фикримиз исботи сифатида эса, 2024 йил 18 январь куни Давлатимиз раҳбари томонидан айнан ушбу йўналишда ўтказилган селектор йиғилишида берилган топшириқлар ва асосий вазифаларга тўхталиб ўтган ҳолда, тегишли таҳлилларни бериб ўтамыз.

Президентимизнинг матбуот қотибети Шерзод Асадовнинг баён қилишича, йиғилишда ҳозирги мураккаб вазиятда тизимда инвестиция ва экспорт бўйича чуқур таҳлил йўқлиги танқид қилинган. Асосий бозорларимиз бўлган мамлакатлардаги девальвация, жаҳонда рўй бераётган зиддиятлар ва логистика ҳисобига уларга экспорт камайган. Бундай мураккаб вазият бугун ёки кеча бошланмагани, Инвестиция вазирлиги ва тармоқлар раҳбарлари экспорт бозорларини диверсификация қилиш устида ўз вақтида бош қотирмагани кўрсатиб ўтилган.

Худудларда эса молиялаштириш тўлиқ яқунланган 8 триллион сўмлик 1 мингта лойиҳа ҳалигача ишга тушмаган. Мамлакатимиз сертификатларини тан олиш бўйича ҳалигача бирорта давлат билан келишувга эришилмаган. Халқаро молия ташкилотлари билан қиймати 480 миллион долларлик 5 та лойиҳа бўйича келишув имзоланганига 1-2 йил бўлган бўлсада, ўзлаштириш бошланмаганлиги таъкидланган. Ёки, икки йил олдин ташкил қилинган Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармасига 1 миллиард доллар хорижий инвестиция олиб келиш бўйича режалар тўлиқ амалга оширилиши шартлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Давлатимиз раҳбари экспорт соҳасидаги ишлар аҳволини ҳам таҳлил қилиб, 2024 йил учун экспорт режаси етарли эмаслигини қайд этган. Иқтисодийтимизни янги босқичга олиб чиқиш учун, экспортни йилига камида 30 фоизга ошириб боришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланган. Лекин, ўтган йили 2 та драйвер тармоқ ва 4 та худудда 2022 йилга нисбатан экспорт ҳажмлари камайган. Бундан ташқари, йиғилишда экспортнинг 50 фоизи 4 та бозорга – Россия, Хитой, Қозоғистон ва Туркияга тўғри келиши таъкидланди. Улардан ташқари экспортни 1 миллиард долларга чиқариш мумкин бўлган мамлакатлар билан яқиндан ишлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилган. Ёки, экспортнинг асосий қисмини ташкил қиладиган 20 турдаги маҳсулот 1 та бозорга боғлиқ бўлиб қолганлиги таъкидланган.

Экспорт товарларининг учдан бир қисми хомашё бўлиб, ташқи бозорлардаги нарх конъюнктурасига боғлиқ. Масалан, икки йил олдин мамлакатимиз “GSP+” тизимига кўшилиб, 6 минг 200 турдаги товарларни Европа бозорларига божсиз олиб кириш имконияти яратилди. Лекин ўтган йили ушбу тизимдан тўлиқ фойдаланилмай, 384 турдаги товарлар экспорт қилинди.

Шу билан биргаликда, Президентимиз инвестиция соҳасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Сўнгги олти йилда саноатга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 7 баробар ошди. Лекин, айрим мутасаддилар ҳар бир доллар инвестиция қанча иш ўрни яратгани, қўшилган қиймат ва экспорт қанчага ошгани борасида таҳлил етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Масалан, мамлакатимизда цементга йиллик эҳтиёжни ортиғи билан қоплай оладиган ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилган. Лекин, мутасаддилар цементдан юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни кўпайтириш, экологияга зарарли таъсирни камайтирувчи технологияларни жорий қилиш ўрнига яна 22 та цемент заводи қуриш таклифини бераётгани ажабланарли.

Ёки сўнгги уч йилда четдан 14,2 миллиард долларлик асбоб-ускуналар олиб келинди. Лекин, шунча технология киритилаётгани билан худудларнинг саноат экспорти шунга мутаносиб ошмаган. Шунча маблағ ҳисобига саноат ва экспорт ўсмаяпти-ми, демак ё лойиҳа “шиширилган”, ё кераксиз ускуна олиб келинган, ёки бу технологияларни ишлатишни биладиган мутахассис йўқ деб Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаб ўтганлар.

Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги ҳам фақат форумлар ўтказиш билан чекланиб қолгани танқид қилинди. Агентликнинг туманлар кесимида инвестицион харитаси

ҳам йўқлиги таъкидланди. Шу боис, ҳар бир ҳудуд ва тармоқдаги ўтган йилги қолоқликларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган инвестиция дастурини киритиш топширилди<sup>6</sup>.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқорида кўриб ўтганларимиздан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан соҳада қанчадан қанча камчиликларни баратараф этиш орқали мамлакатни инвестиция ва экспорт салоҳиятини янада юксалтириш борасида Давлатимиз раҳбари томонидан муҳим масалалар танқидий таҳлил қилиниб, мутасаддиларга энг муҳим кўрсатма ва топшириқлар бериб ўтилган.

Бу эса ўз навбатида, биз юқорида таҳлилларда назарда тугганимиздек, инвестицияларни жалб қилишда барқарор иқтисодий сиёсатнинг мавжудлиги, шаффоф ва инвесторлар учун қулай тартибга солиш муҳити ва кучли инфратузилмани яратиш, соҳани билимли ва малакали ишчи кучи билан тўлдириш, қонун устуворлиги, яхши бошқарув ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қартиш, қулай савдо сиёсати, махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолиятини жонлантириш, Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини изчил давом эттириш, инвестицион кафолатлар орқали инвесторларда ишончни уйғотиш, энг асосийси инвесторларни энг кўп қийнайидиган муаммоларга асосий эътибор қаратиш каби масалалар Давлат раҳбримизнинг айнан шу соҳа бўйича берган ҳар бир топшириқларида ўз аксини топди десак асло муболаға қилмаган бўламиз.

Шу боисдан, қуйидаги айрим муҳим масалаларни амалга ошириш зарурлиги инвестиция соҳасида кун тартибига айланмоғи лозим деб хулоса қилиш мумкин:

- инвестицияларни жалб қилишда барқарор иқтисодий сиёсатнинг мавжудлиги, шаффоф ва инвесторлар учун қулай тартибга солиш муҳити ва кучли инфратузилмани яратиш борасида берилган топшириқлар ижросини ўз муддатларида аниқ ижро этиш;
- соҳани билимли ва малакали ишчи кучи билан тўлдириш бўйича зарур чораларни кўриб, аниқ натижаларга эришиш механизмларини ишлаб чиқиш;
- қонун устуворлиги, яхши бошқарув ва мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қартиш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадаорлигини янада ошириш;
- қулай савдо сиёсати, эркин иқтисодий зоналар фаолиятини жонлантириш, Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини изчил давом эттириш;
- инвестицион кафолатлар орқали инвесторларда ишончни уйғотиш, энг асосийси инвесторларни энг кўп қийнайидиган муаммоларга асосий эътибор қаратиш каби масалаларда алоҳида “йўл хариталарни” ишлаб чиқиб ижросини сифатли ва белгиланган муддатларда таъминлаш муҳим деб биламиз. Хулоса қилиб айтганда эса, ушбу йўналишлар инвестицияларни жалб қилиш учун кенг қамровли ва жозибали асос яратиши мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон Стратегияси”. Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 йил
2. [www.president.uz](http://www.president.uz)
3. Imad A. Moosa. “Foreign Direct Investment. Theory, Evidence and Practice”. London: Palgrave Macmillan. 2002.
4. Aswath Damodaran. “Investment Valuation: Tools and Techniques for Determining the Value of Any Asset. America: John Willey & Sons. 2012.
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
6. [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz](https://t.me/Press_Secretary_Uz)

---

<sup>6</sup> [https://t.me/Press\\_Secretary\\_Uz](https://t.me/Press_Secretary_Uz)

7. <https://stat.uz/>
8. <https://www.rmit.edu.au/>
9. <https://www.tufts.edu/>
10. <https://www.clemson.edu/index.html>
11. <https://www.columbia.edu/>